



## ЮКСАК МАРРАЛАРГА ИНТИЛАЁТГАН ЁШЛАР

Мамлакатимизда ёшларни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш, уларни пухта билимли, миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик руҳида қамолга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу саъй-ҳаракатлар юксак самара бермоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган қонунлар, ижтимоий дастурлар навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, эзгу орзуларини рўёбга чиқариш, уларга замонавий касб-ҳунар сирларини ўргатишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин атиги икки ой ўтиб, 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Соғлом ва барқамол авлодни тарбиялаш, таълим тизимини ривожлантириш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ташкилотларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланган.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиё-

дини ёшлар ташкил этади. Уларнинг манфаатларини таъминлаш, истеъдод ва салоҳиятларини юзага чиқариш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва йигирмадан ортик қонунда ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама барқамол этиб вояга етказишга хиз-

мат қилмоқда. Ҳар йилга муайян ном берилиши муносабати билан қабул қилинаётган давлат дастурлари самарасида ёшларнинг ҳаётий муҳим масалалари ҳал этилмоқда. Ўз сафида 5,5 миллион йигит-қизни бирлаштирган "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

## Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича етакчи беш мамлакат қаторидан ўрин олди

Жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг навбатдаги Индексини эълон қилган "The World Justice Project" мустақил халқаро ташкилотининг йиллик маърузасида шу ҳақда маълум қилинган.

Маърузада таъкидланишича, ҳуқуқ устуворлиги жамиятнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлайди, дунёнинг барча мамлакатлари ҳуқуқларининг масъулиятини кучайтиришга кўмаклашади ва инсоннинг асосий ҳуқуқларига нисбатан ҳурматни оширади. Мазкур Индекс илк марта 2010 йилда эълон қилинган бўлиб, жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларига ва эксперт манбаларини ўрганишга асосланган ноб6 тадқиқотдир.

Давлатларга баҳо беришда "Тартиб ва хавфсизлик" йўналишига бош мезонлардан бири сифатида ёндашилиб, унинг доирасида халқаро экспертлар дунёнинг 99 мамлакатдаги тартиб ва хавфсизлик билан боғлиқ вазиятни кўриб чиққан, ушбу мамлакатлардаги ҳуқуқий муҳитни, жамият ва давлатнинг 2010 йилда эълон қилинган бўлиб, жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларига ва эксперт манбаларини ўрганишга асосланган ноб6 тадқиқотдир.

(Давоми учинчи бетда)

### Qonun ijodkorligi

## Ижтимоий шериклик — тараққиётнинг муҳим омили

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг кўламли ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолияти қўллаб-қувватланаётгани натижасида улар жамиятда демократик қадриятларни шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланиб бормоқда.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг қонуний асосларини янада такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди. Бу тузилмаларнинг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар масалаларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатларидаги аник чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормаларни амалда жорий қилиш назарда тутилиши белгилаб берилган эди.

(Давоми учинчи бетда)

## Аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш тизими янада мустаҳкамланмоқда

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган тадрижий ислохотлар халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатининг ортиб боришида, иқтисодий-иқтисодий барқарор суръатлар билан ўсиши ва юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият асослари янада мустаҳкамланмоқда. Халқимиз манфаатларига мос бундай амалий ишларни рўёбга чиқаришда мамлакатимиз умумий юрисдикция судлари ҳам изчил фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида бўлди.

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфай-

ли ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи ҳаётда ўз

ифодасини топмоқда. — дейди Б.Мустафоев. — Энг муҳими, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган самарали тизим барпо этилди.

Бунда давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги қонуннинг қабул қилинган давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштириш

борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди. Зеро, ушбу қонунда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларининг мустақиллигини, ваколатлари мутаносиблигини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга оид муҳим янги мезорлар белгиланган.

Қонун мамлакатимиз тараққиётининг муҳим мезони бўлган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалга оширишни бундан буён ҳам изчил давом эттиришдек эзгу мақсадга йўналтирилган.

(Давоми иккинчи бетда)

### Islohot va samara

## Ярашув институти — юксак бағрикенглик ифодаси

Халқимиз азал-азалдан бағрикенглик, кечиримлилик, йиқилгани суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш сингари фазилатларни юксак қадрлаб келган. Чунки бундай фазилатлар бор жойда тинчлик-осойишталик, аҳиллик ва меҳр-оқибат қарор топади. Бу эса, жамиятда баҳамжиҳатлик, юртда тинчлик барқарор бўлишига замин яратади.



Шу боис ҳам бундай қадриятлар қонунларимизда ҳам ўзининг теран ифодасини топди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси би-

лан 2001 йил 29 августда "Жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-про-

цессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу фикрнинг яққол тасдиғидир.

Айтиш керакки, ушбу қонунга мувофиқ, ярашув институти амалга жорий этилди. Қонун талабига кўра, биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгилаб қўйилди.

Жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган ушбу қонунга кўра, ярашув институти даставвал Жиноят кодексининг 26 та моддаси ва уларнинг деярли ҳамма бандларига нисбатан жорий этилди. Мазкур институтининг самарадорлиги инobatга олиниб, кейинчалик унинг доираси янада кенгайтирилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Маълумки, уй-жойга эга бўлиш инсоннинг муҳим табиий ҳуқуқларидан бири бўлган яшаш ҳуқуқини таъминлайдиган асосий восита ҳисобланади. Шу маънода уй-жой инсон эҳтиёжлари учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги боис унга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлиш ҳар доим ижтимоий, ҳуқуқий ва мулк муносабатлар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди.

Бозор муносабатлари шароитида талаб ва таклиф, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги, субъектларнинг тенглиги ва эркинлиги сингари демократик тамойилларнинг амалда кенг жорий этилгани уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи мазмунини кенгайт-

### Fuqarolik qonunchiligi

## Мулк ҳуқуқи

судлар томонидан амалда самарали таъминланмоқда

тирди. Хусусан, уй-жой куриши ва уни сотиш билан шуғулланувчи хусусий фирмаларнинг юзага келиши, мулкдорларнинг хоҳиши бўйича уй-жой биноларини нотураржой бинога айлантиришининг қонуний асослари яратилгани уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи ва уни амалга оширишининг мазмун-моҳияти ўзгаргани, янги ҳуқуқий механизмлар билан бойиганидан далолат беради.

Айтиш керакки, уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи деганда, шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига қарашли уй-жойга ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши, уни тасаруф этиши, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқи, ким томонидан бўлмасин, бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи тушунилади.

(Давоми учинчи бетда)





